

# Гонконгда мусулмон сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш режалаштирилмоқда



14:29 / 29.10.2024 1277

Гонконгдаги йирик исломий ташкилот 2026 йилгача 500 дан ортиқ ҳалол таомланиш жойларни сертификатлашни режалаштираётир.

Гонконгнинг бош ижрочи раҳбари Жон Ли Ка Чиу йиллик сиёсий мурожаатида туризм билан боғлиқ корхоналарни Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёга қарашга ундади. Жумладан, мусулмон сайёҳлар учун ҳалол овқатланиш масканларини сифатини янада яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар, имкониятлар қилиб бериш таклифини илгари сурди.

Бундан ташқари мурожаатда ҳалол маҳсулотлар билан таъминланган ресторанлар рўйхатини тузиб чиқиш, меҳмонхона каби савдо

муассасаларида намозхоналар ва бошқа қулайликлар бўлиши айтиб ўтилди.

Ушбу стандартларнинг жорий этилиши мамлакатда зиёрат туризмини ривожлантиришга ёрдам бериши таъкидланган.

Жамоат фонди шаҳар раҳбари шаҳарга ташриф буюрувчи мусулмон сайёҳларга юқори сифатда хизмат кўрсатиш таклифини маъқуллаб, туризм билан боғлиқ бўлган масалаларни бажаришга ваъда берган.

Ҳозирда ҳукумат шаҳарга кўпроқ мусулмон сайёҳларни жалб қилиш учун барча имкониятларни қўллашга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда 142 тадан ортиқ ҳалол сертификатга эга бўлган овқатланиш масканлари рўйхатдан ўтказилган. Айтилган вақтда улар сайёҳларга хизмат [кўрсатмоқда](#).